



УММАТАЛИЕВ Соҳибжон Хикматали ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси ўқитувчиси, PhD
E-mail: sohibjonummataliyev91@mail.com

АҲМАД БАЛОЗУРИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ЖИЗНИ И НАУЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АХМАДА БАЛАЗУРИ

FEATURES OF THE LIFE AND SCIENTIFIC ACTIVITY OF AHMAD BALADHURI

Аннотация: Мақолада IX асрда яшаган тарихчи ва шоир Аҳмад ибн Яҳё Балозурийнинг ҳаёти, устозлари ва илмий фаолиятига оид маълумотлар ўрта аср манбалари асосида тадқиқ этилган. Мақолада Аҳмад ибн Яҳё Балозурий ҳаёти ҳақида маълумот берган тарихчилар, уларнинг асарлари, Аҳмад Балозурийнинг Бағдоддаги фаолияти, устозлари ва шогирдлари ҳақидаги маълумотлар, тарихчининг илм олиш учун Шомга бориши, у ердаги устозлари, сўнг Бағдодга қайтиши ва халифа саройида надимлик вазифасида ишлаши каби масалалар ёритилган. Шунингдек Балозурийнинг илмий фаолияти, унинг “Футуху-л-булдон”, “Ансобу-л-ашроф”, “Аҳду Ардашер” каби асарлари тўғрисида маълумот берилган.

Таянч сўзлар: Илк ислом тарихи, Балозурий, шеър, ҳадис илми, Ироқ, Шом, надим, Футух ал-булдон, Ансоби ал-ашроф.

Аннотация: В статье, опираясь на средневековые источники, исследуются сведения о жизни, учителях и научной деятельности историка и поэта IX века Ахмада ибн Яхья ал-Балазури. Автор анализирует данные, предоставленные различными историками, о жизни ал-Балазури, упоминая их труды и деятельность самого ал-Балазури в Багдаде. В статье рассматриваются

его учителя и ученики, поездка ал-Балазури в Сирию с целью обучения у местных учёных, его возвращение в Багдад и служба при дворе халифа. Особое внимание уделяется научному наследию ал-Балазури, в частности, таким его произведениям, как «Футух ал-булдон» («Книга завоевания стран»), «Ансаб ал-ашраф» («Родословия знатных») и «Ахвал Ардашир» («История Ардашира»).

Ключевые слова: Ранняя исламская история, ал-Балазури, стихотворение, наука хадис, Ирак, Шам (Сирия), надим, Футух ал-булдон, Ансоби ал-ашраф.

Annotation: The article, based on medieval sources, examines information about the life, teachers and scientific work of the historian and poet Ahmad ibn Yahya al-Balazuri, who lived in the 9th century. In the article, historians who gave information about the life of Ahmad ibn Yahya al-Baladhuri, their works, Ahmad al-Baladhuri's work in Baghdad information about his activities, teachers and students, the historian's trip to Damascus to study, his teachers there, and then his return to Baghdad, and his work as a nadim in the caliph's palace. There is also information about al-Baladhuri's scientific activity, his works such as “Futuh al-buldon”, “Ansab al-ashraf”, “Ahdu Ardasher”.

Keywords: History of the First Islam, al-Baladhuri, poetry, science of hadith, Iraq, Sham, nadim, Futuh al-buldon, Ansab al-Ashraf.

КИРИШ

VIII-IX асрларда аббосийлар давлатида тафсир, калом, ҳадис, фикҳ илмлари қаторида тарих илми ҳам шаклланди. Бу даврда яшаган муаррихлар асосан тарихни ўрганишда баён услубидан фойдаланган. VII аср воқеалари ровийлар орқали етиб келган оғзаки ҳикоялар асосида баён этилади. Мазкур хабарлар аксарият ҳолларда уламолар ва турли диний фирқа – гуруҳ вакиллари томонидан жамланганлиги сабабли уларга ортиқча субъектив талқин берилган. Шунинг учун VIII-IX асрларда ёзилган тарихий манбаларни ўрганишда муаллифнинг қайси диний гуруҳлар, ижтимоий табақаларга тегишли эканлигига алоҳида эътибор бериш зарур, чунки муржийлар, умавийлар, шиалар, аббосийлар, хорижийлар ва бошқа ҳарбий-диний гуруҳларга мансуб муаллифлар томонидан ёзилган манбалар ўртасидаги тафовутли маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳақиқий воқеликни тиклашда катта аҳамиятга эга[1:5].

Илк ислом тарихини ўрганишда Муҳаммад ибн Исҳоқ Маданий (699-769), Абдулмалик ибн Хишом (вафоти 833), Муҳаммад ибн Умар Вокидий (747-823), Али ибн Муҳаммад Мадоиний (752-843), Муҳаммад ибн Саъд (784-845), Халифа ибн Хайёт (вафоти 854), Аҳмад ибн Яҳё Балозурий (вафоти 892) каби тарихчиларнинг асарларини санаб ўтиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ибн Довуд Котиб Бағдодий Балозурий (вафоти 892) дастлабкилардан бўлиб, арабларнинг ҳарбий юришлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус тарихий асар ёзган. Балозурийнинг асл келиб чиқиши форс бўлган, деб тахмин қилинади. У шоир ва тарихчи ровий бўлган, кўп ҳажвий шеърлар ёзган. Унинг Жобир исми бобоси араб тилини яхши билган ва Миср ҳукмдорининг котиби бўлиб хизмат қилган. Аҳмад ибн Яҳё аббосийлар давлати пойтахти Бағдод шаҳрида туғилиб ўсган. Унинг кунyasi Абул-Аббос, Абу Жа'фар, Абул-Ҳасан ёки Абу Бақр бўлган [2:164].

Ўрта аср тарихчиларидан Масъудий (896-957) “Муруж аз-заҳаб” [3:12], Муҳаммад ибн Исҳоқ Надим (ваф. 990) “ал-Фихрист” [2:164], Али ибн Хусайн ибн Асокир (1105-1176) “Дамашқ тарихи” [4:74], Ёкут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий (1178-1229) “Муъжам ал-удабо” [5:530], ибн Адим исми билан танилган Умар ибн Аҳмад (1192-1262) “Буғятут-талаб фи тарихи Ҳалаб” [12:1219], Шамсиддин Заҳабий (1274-1348) “Сияр аълам ан-Нубала” [6:309], Муҳаммад ибн Шокир Кутбий (1287-1363) “Фават ал-вафаят” [7:155], Салоҳиддин Сафдий (1296-1363) “Китаб ал-вафий бил-вафаят” [8:155], Исмоил ибн Касир ад-Димашкий (1301-1372) “ал-Бидая ван-ниҳая” [9:51] каби китобларида Балозурий ҳақида маълумот берган. Тарихчи ҳақида бир неча тарихчиларнинг асарларида маълумот келтирилиши унинг қанчалик ишончли тарихчи бўлганлигини кўрсатади. Ўрта асрларда тарихий мавзуда кўплаб асарлар ёзилган. Бироқ уларнинг ижоди маълум бир сиёсий гуруҳ манфаатини акс эттирганлиги учун кейинги даврларда асар ва унинг муаллифи эътибордан четда қолган. Балозурий асари эса бирор гуруҳ мафқураси учун хизмат қилмаган. Шунинг учун

тарихчилар барча даврларда унинг асарларидан кенг фойдаланган ва тазкира асарларида тарихчи ҳаётига оид маълумотлар келтирган.

Аҳмад ибн Яҳёнинг “Балозурий” нисбаси, Ибн Надимга кўра, унинг ҳаётининг охириги даврида чалинган касаллик билан боғлиқ бўлган. Унга кўра, Аҳмад балозур (رذال ب) уруғларини истеъмол қилган ва унинг таъсир кучи сабабли васваса ва руҳий тушқунликга тушган. Шунинг учун у “Балозурий”, деб аталган [2:164]. Ибн Асокир, ибн Адим ва ибн Касир Аҳмад ибн Яҳё умрининг охирида руҳий тушқунликка тушганлигини айтган. Лекин балозур уруғи ёки Балозурий нисбаси ҳақида маълумот бермаган. Ёкут Ҳамавий маълумотида кўра балозур мевасини Аҳмад ибн Яҳёнинг бобоси Жобир ибн Довуд истеъмол қилган ва Балозурий деган ном олган [5:531]. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Балозурий нисбаси Аҳмад ибн Яҳёга ота боболаридан мерос бўлиб қолган. Муҳаммад ибн Шокир Кутбий ва ибн Ҳажар Асқалоний Ибн Надим каби фикр билдирган.

Аҳмад ибн Яҳё Балозурий туғилган сана манбаларда аниқ келтирилмаган. Бироқ ибн Асокир берган маълумот Балозурийнинг VIII аср охири ёки IX аср бошида Бағдодда туғилганлигига гувоҳлик беради. Тарихчи ибн Асокир “Тариху мадинати Димашқ” асарида Аҳмад ибн Яҳё халифа Маъмун (813-833) ни мадҳ этувчи шеърлар ёзганлигини айтган [4:75]. Ўша даврда халифа саройида шоирлик даражасига эришиш учун камида 20 ёш ёки ундан каттарок бўлиш кераклигини инобатга олиб, айтиш мумкинки, Балозурий VIII аср охири ёки IX аср бошларида туғилган. Тарих фанлари номзоди Г.Гоипов шунга таяниб Балозурий тахминан 810-812 йилларда таваллуд топганлигини айтган [10:3].

Аҳмад ибн Яҳё ўзининг отаси ва бобоси сингари Аббосийларнинг Бағдоддаги саройида юқори мавқега эга бўлган. Тарихчи мазкур шаҳарда Аффон ибн Муслим (752-835), Аҳмад ибн Иброҳим ад-Даруқий (784-860), Муҳаммад ибн Соббаҳ ад-Давлоний (768-841), Али ибн Маданий (778-844), Абдуллоҳ ибн Солиҳ Ажалий (758-826), Абу Убайд Қосим ибн Саллом (774-838), Али ибн Муҳаммад Мадоиний (752-843), Усмон ибн Аби Шайба (ваф. 853), Мусъаб аз-Зубайрий (773-851), Вокидийнинг котиби Муҳаммад ибн Саъд (784-845), Абдул-Аъла ибн

Хаммод (ваф. 851), Муҳаммад ибн Хотам Самин (ваф. 849), Аббос ибн Ҳишом Калбий, Аббос ибн Валид Нурсий (ваф. 852), Шайбон ибн Фаррух (757-850), Абдул-Ваҳид ибн Ғиёс (ваф. 854), Амр ибн Маймун Нокид (ваф. 847), Исҳоқ ибн Исроил (767-859), Абу Робий аз-Заҳроний (ваф. 848), Халаф Баззор (767-844), Ҳавза ибн Халифа (743-831) ва бошқа олимлардан таълим олди [11:8]. У устозларидан китобат (котиблик), шеър ва насаб илмларини ўрганди. Балозурий ўзининг илк қасидаларида халифа Ма'мун (813-833) ни мадҳ этувчи шеърлар ёзган.

Балозурий ҳадис илмида ҳам муҳаддислар орасида алоҳида ўринга эга бўлган. Ундан Муҳаммад ибн Халаф (ваф. 918), Аҳмад ибн Аммор (ваф. 854), Яъқуб ибн Наъим, Яҳё ибн Барям, Абдуллоҳ ибн Аби Саъд, Яҳё ибн Мунжим каби муҳаддислар ҳадис ривоят қилган [12:1220].

Аллома Ироқда ўз даврининг кўзга кўринган уламоларидан илм олганидан сўнг янада билимини зиёда қилиш учун Шомга сафар қилди. Бу даврда Шомда сийрат ва ҳадис илмини тобеинлардан ўрганиб, мазкур илмларда нафақат ўзлари яшаётган ҳудудда, балки ислом дунёсида машҳур бўлган устозлар фаолият юритар эди. Шунинг учун Балозурий илм олиш учун Шомга борди. Тарихчининг қачон сафар қилганлиги манбаларда зикр қилинмаган. Унинг Шомдаги илмий фаолияти тахминан 833-847 йиллар орасида бўлган дейиш мумкин. Чунки Аҳмад ибн Яҳёнинг халифа Маъмун, халифа Мутаваккил (847-861) ва ундан кейинги халифалар даврида Бағдодда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Бироқ халифа Муътасим (833-842) ва халифа Восик (842-847) даврида тутган ўрни зикр қилинмаган. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Балозурий мазкур икки халифа даврида Шомда яшаган. Аҳмад ибн Яҳё илм талабида Шомнинг бир неча шаҳарларига сафар қилди. Хусусан, Дамашқда Ҳишом ибн Аммор (ваф. 859), Умар ибн Саъид (тахм. ваф. IX аср ўрталари), Ҳимсада Муҳаммад ибн Мусоффа Ҳимсий (ваф. 860), Антокияда Муҳаммад ибн Абдурахмон (ваф. 857)дан дарс олди [5:530].

Балозурий Шомдан қачон қайтганлиги ҳам манбаларда келтирилмаган. Шундай бўлса-да тарихчи илм олган шаҳарлар ва у шаҳарлардаги олимлар вафот этган вақтга асосланиб, унинг сафари 857 йилгача давом этган деб айтиш

мумкин. Чунки Аҳмад ибн Яҳё таълим олган жой номлари тартибида Антокия охирги ўринда зикр қилинди. Ушбу шаҳарда Балозурийга дарс берган Муҳаммад ибн Абдурахмон 857 йили вафот этган.

Муаррих Шомдан туғилиб ўсган юрти Бағдодга эмас, аббосийлар халифалигининг янги пойтахти Самуррога қайтди. У қайтганида тафсир, ҳадис, насаб илми, шеърят, луғат, наҳв илмларидан чуқур билимга эга эди. Балозурий санаб ўтилган илмларни ўрганиш учун бир неча йил вақт сарфлади. Шундан кейин халифанинг илмий жамоасига қайтадан кўшилди. У халифа Маъмун даврида ўз истеъдодини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бироқ ёшлиги ва тажрибасизлиги сабабли халифанинг шоирлари билан баҳслаша олмаган эди.

Халифалик Мутаваккилга ўтганида мўътазилийларни сиёсий вазифадан четлатиш ва аҳли сунна уламоларини мавқеини тиклаш бошланди. Шундан сўнг Аҳмад ибн Яҳё ҳам халифанинг шоирлар жамоасига қўшилиш имконига эга бўлди. Балозурийнинг шеърлари фақат мансабдор шахсларни мадҳ этишга эмас, балки уларни масъулиятини ҳажвий йўл билан эслатиб қўйишга қаратилган эди. Шунинг унинг ижодида руҳий тарбияга оид мавзуларни учратиш мумкин [12:1222]. Аллома халифа Мутаваккилнинг надими¹ даражасига кўтарилган [8:155].

Аҳмад Балозурий халифалар Мутаваккил (847-861), Мустаъин (862-866), Муътазз (866-869) билан муносабатда бўлди. Манбаларда унинг халифа Мунтасир (861-862) билан алоқаси ҳақида маълумот йўқ. Эҳтимол унинг халифалик даври қисқа ва сиёсий низоларга тўла бўлганлиги учун нафақат Балозурий, балки бошқа адиблар билан ҳам шеърӣ мажлисларда қатнаша олмаган. Лекин халифа Мустаъин (862-866) нинг яқин кишиларидан бири эди. Халифа Муътазз (866-869) ўғилларидан бири Абдуллоҳни тарбия қилишни Аҳмад ибн Яҳёга топширган [11:12].

Халифалар Муҳтадий (869-870) ва Муътамид (870-892) ҳукмронлиги даврида у моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолган [5:534]. Эҳтимол, унинг бу ҳолатга тушишига мансабдор шахсларни ҳажв қилиши сабаб бўлган. Чунки

¹ Надим – бутунги кундаги вазир ёки маслаҳатчи ўрнидаги давлат мансаби.

Муътаmid даврида ундан ҳатто дўстлари ҳам юз ўгиради [11:14].

Шундай бўлса-да, Аҳмад ибн Яҳё илмий фаолиятни тўхтатмади. Айнан шу даврда (868-869й.) Балозурий ўзининг “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) номли тарихий асарини ёзишга киришди. Асар “Футуҳ ал-булдон ас-сағир” деб ҳам номланади. Бироқ Муҳаммад Шокир Кутбий, Ёкут Ҳамавий, Салоҳиддин Сафдий ва Ибн Надим уларни алоҳида асар бўлганлигини айтадилар ва “Футуҳ ал-булдон” асарини “Китоб ал-футуҳ”, “Футуҳ ал-булдон ас-сағир” асарини эса “Китоб ал-булдон ас-сағир” деб номлайдилар. Асар биринчи марта голландиялик шарқшунос Михаил Ян де Гук (1836-1909) томонидан 1866 йили Лейденда нашр этилди [13]. Шу нашр асосида 1901, 1932 йиллари Қоҳирада чоп этилди. Мазкур шаҳарда 1956, 1958 йиллари Салоҳиддин Мунжид томонидан таҳқиқ қилинди. 1957, 1978, 1983, 1987, 1991, 2000 ва 2013 йиллари асар Байрутда нашр қилинди. “Футуҳ ал-булдон” асари 1884 йили лотин тилига таржима қилинган эди. Кейинчалик 1916 йили Филип Ҳури Ҳитти томонидан инглиз тилига [14], 1924 йили Кларк Моргиттен томонидан франсуз тилига [15], 1917-1924 йиллар давомида Оскар Решер томонидан немис тилига [16], китобнинг бир қисми 1967 йили форс тилига таржима қилинди. Асарнинг айрим қисмлари турли йилларда бир неча шарқшунослар томонидан рус тилига таржима қилинган. Хусусан, Иордания ва Фаластин тарихига оид қисмларини 1897 йилда Н.А.Медников [17], Озарбайжон ва Арманистон ҳудудларига тегишли қисмини 1927 йилда П.К.Жузе [18], Хуросон тарихага оид қисмларни 1939 йилда С.Волин [19], Туркманистон ва унга қўшни ҳудудларни 1960 йилда Л.Е.Куббеля ва В.В.Матвеев [20] ҳамда Л.И.Надирадзе [21] таржима қилган [10:7].

Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) асари арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус ёзилган биринчи асардир. X асрда тарихчи Масъудий бу асардан кенг фойдаланган ва унга юксак баҳо бериб, “Китобда шарқ ва ғарбдаги, шимол ва жанубдаги ўлкалар васф қилинди. Биз мамлакатларнинг фатҳ этилиши ҳақида ёзилган бундан яхши китобни билмаймиз”, деб айтган [3:12].

Манбалардаги маълумотларга кўра, Балозурий “Китоб ал-булдон ал-кабир” (“Мамлакатлар ҳақидаги катта китоб”) номли асар ҳам ёзган, лекин у охирига етказилмай қолган ва бизгача етиб келмаган. Ундан ташқари Балозурий “Китоб ансоб ал-ашроф” (“Шарафли инсонларнинг насаблари ҳақида китоб”) номли асарларнинг ҳам муаллифидир [7:157]. Ушбу асарни Салоҳиддин Сафдий “Жумалу насаб ал-ашроф” деб номлаган [8:157].

Санаб ўтилган асарлардан фақат “Футуҳ ал-булдон” ва “Китоб ансоб ал-ашроф” асарлари бугунги кунгача етиб келган ҳамда нашр қилинган [22].

Аҳмад Балозурий таржимонлик фаолиятини ҳам олиб борган ва форс (пахлавий) тилида ёзилган бир қатор асарларни араб тилига таржима қилган. Хусусан, у “Китоб аҳд Ардашир” (“Ардашир ҳукмронлиги ҳақида китоб”) номли қадимги эпосни араб тилига шеърӣ усулда таржима қилган [2:164].

Аҳмад Балозурийнинг аниқ вафот этган вақти маълум эмас. У умрининг охирида чалинган касаллиги туфайли *ал-бимористон* (البیمارستان), яъни касалхонага тушиб, ўша ерда вафот этган. Тарихчилар унинг вафоти Муътаmid (870-892) халифалигининг охирида ёки Муътазид (892-902) халифалигининг аввалида бўлганлигини зикр қиладилар [9:51]. Шунинг учун унинг вафоти 891 ёки 892 йилга нисбат қилинади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад ибн Яҳё Балозурий VIII аср охири ёки IX аср бошларида Бағдодда туғилди ва вояга етди. У халифа Маъмун даврида Бағдодда илм олди. Халифа Муътасим ва Восик даврларида илм олиш учун Шомга сафар қилди. Унинг Шомга борган ва у ердан қайтган даври тарихий воқеаларни қиёслаш орқали аниқланди. Тарихчининг Самуррога келганидан сўнг халифа Мустаъин ва Муътазз даврларида сиёсий ишларда фаол иштирок этди. Лекин улардан кейинги халифалар Балозурийни саройдан четлаштирдилар. Мақолада бу жараённинг сабаблари келтирилди. Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асари илк ислом тарихи билан шуғулланувчи ҳар бир мутахассис учун ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асари сингари энг муҳим

манбалардан бири ҳисобланади. Асардан тарихда мавжуд бўлган ва лекин бугунги кунда йўқ бўлиб кетган ёки номи ўзгарган жой номлари ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. “Футух ал-булдон” китоби Марказий Осиё ва шарқ халқлари тарихи, қадимий шаҳар ҳамда минтақалар тарихини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зоҳидов Қ. Ислом тарихи – ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2013. – Б. 5.
2. Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим. ал-Фихрист. – Байрут: дор ал-маърифат, 1997. – Б. 164.
3. Али ибн Хусайн ал-Масъудий. Муруж аз-заҳаб, 1 жуз. – Байрут: ал-мактаба ал-асрийя, 2005. – Б. 12.
4. Али ибн Хусайн ибн Асокир. Тариху мадинати Димашк, 6 жуз. – Байрут: дар ал-фикр, 1995. – Б. 74.
5. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Удабо, 1 жуз. – Байрут: дар ал-ғариб ал-исломий, 1993. – Б. 530.
6. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-Нубала, 10 жуз. – Қоҳира: дар ал-ҳадис, 2006. – Б. 309.
7. Муҳаммад ибн Шокир ал-Қутбий. Фават ал-вафаят, 1 жуз. – Байрут: дару Содир, 1973. – Б. 155.
8. Салоҳиддин ас-Сафдий. Китаб ал-вафий бил-вафаят, 8 жуз. – Байрут: дар ихё ат-турос ал-аробий, 2000. – Б. 155.
9. Исмоил ибн Касир. Ал-бидая ван-ниҳая, 11 жуз. – Байрут: дар ихё ат-турос ал-аробий, 1997. – Б. 51.
10. Гоибов Г. Завоевание Хорасана (Извлечения из сочинения «Футух ал-булдан»). – Душанбе: издательство “Дониш”, 1987. – С. 3.
11. Балозурий. Ансоб ал-ашроф, 1 жуз. – Байрут: дар ал-фикр, 1996. – Б. 8.
12. Ибн ал-Адим. Буғя ат-Толаб фи тарихи Ҳалаб. – Байрут: дар ал-фикр, 2008. – Б. 1220.
13. Al-Beladsori. Liber expugnationis regionum / editor: M. J. De Goeje. – Leiden, 1866. – 667 p.
14. Al-Balādhurī. [The Origins of the Islamic State: Translation with Annotations Geographic and Historic Notes of the Kitāb Futūh al-Buldān of al-Imām abu-l’Abbās Aḥmad ibn-Jābir al-Balādhuri](#). Translated by [Philip Khuri Hitti](#). – New York: Columbia University Press, 1916.
15. [Al-Baladhuri. The Origins Of The Islamic State](#) // Translated by Francis Clark Murgotten. – New York: Columbia University Press, 1924.
16. Rescher O. El-Beladori’s kitab futuh el-buldan. – Leipzig: Otto Harrassowitz, 1917. – 148 p.
17. Медников Н.А. Палестина от завоевания ее арабами до крестовых походов по арабским источникам // Православный палестинский сборник. Т. 17. Вып. 2 (2). СПб. 1897. – 612.
18. Жузе П. К. Книга завоевания стран, из соч. Балазори. Пер. с арабского П.К. Жузе Баку: Изд. о-во обследования и изучения Азербайджана (Материалы по истории Азербайджана, вып.3). 1927.
19. Волин С. — Извлечения из «Китаб футух ал-булдан» ал-Балазури, пер. С. Волина. – М.: Л.: ИАН СССР, 1939.
20. Древние и средневековые источники по этнографии и истории народов Африки южнее Сахары: Арабские источники VII-X веков. Подготовка текста и переводы Л.Е. Куббеля, В. В. Матвеева. — М.-Л.: АН СССР, 1960. – 221 с.
21. Текст приводится по изданию: Хрестоматия по истории Халифата: Пер. Л. И. Надирадзе. — М.: МГУ, 1960.
22. Аҳмад ибн Яҳё Балозурий. Футух ал-булдон. – Қоҳира: ал-китаб ал-аробий, 1901. – 480 б.